



## Аллоҳ таолонинг бандалари устидаги ҳаққи Унгагина ибодат қилиб, Унга бирон нарсани шерик қилмасликлари, бандаларининг Аллоҳ устидаги ҳақлари эса, Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмаган кимсани азобламаслигидир

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Уфайр номли эшак устида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга мингашиб олган эдим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Хой Муоз, Аллоҳнинг бандалари устидаги, бандаларнинг эса Аллоҳ устидаги ҳаққи нима эканини биласанми?", – деб сўраб қолдилар. Мен: «Аллоҳ ва Расули билгувчироқдир», – деб жавоб бердим.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таолонинг бандалари устидаги ҳаққи Унгагина ибодат қилиб, Унга бирон нарсани шерик қилмасликлари, бандаларининг Аллоҳ устидаги ҳақлари эса, Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмаган кимсани азобламаслигидир», – дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, одамларга бу башоратнинг хабарини берайми?» – деб сўрасам: «Бу хабарни айтма! Агар айтсанг, улар шунгагина суюниб қоладилар!» – деб жавоб бердилар.

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадисда Аллоҳ таолонинг бандалар устидаги ва бандаларнинг Аллоҳ таоло устидаги ҳақлари тўғрисида хабар бердилар. Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи Унинг ўзигагина ибодат қилишлари, Унга бирон нарсани шерик қилмасликларидир. Бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳақлари эса У Зотга ҳеч нарсани шерик қилмаган муваҳҳид бандаларини азобламаслиги. Сўнгра Муоз разияллоҳу анҳу: «Ё Расулуллоҳ, ушбу лутф билан хурсанд бўлишлари ва муждаланишлари учун, одамларга хабар берайинми?» – дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар шу нарсагагина суюниб қолишларидан қўрқиб, бу ҳушхабарни овоза қилишдан қайтардилар.

**النّجّات الخيريّة**  
ALNAJAT CHARITY

